



МИРЗАЧЎЛДА ЯНГИ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИЛИШ ЖАРАЁНИ ХУСУСИДА

Гадоев Махмуд Абдухалил ўғли

ЖДПУ Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси
йўналиши 2-курс магистранти

А.Ф.Мажидов

Илмий раҳбар: кат.ўқит.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8038522>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 08-June 2023 yil

Ma'qullandi: 10-June 2023 yil

Nashr qilindi: 14-June 2023 yil

KEY WORDS

Дарҳақиқат, ўлкада бўз ерларни ўзлаштириш, уларга сув чиқариш ишлари, гарчи Туркистон Россия империяси томонидан забт этилганидан кейин бошланган бўлсада, бу ҳаракат улкан ишнинг дебочаси эди, холос. Чунки у вақтда бўз ерларнинг табиий-географик шарт-шароитлари ўзига хос хусусиятлари бобида етарли билим ҳам, маблағ ҳам, зарур машина ускуналар ҳам йўқ эди.

ABSTRACT

Тарихий маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ пахтачиликни жадал ривожлантириш пойдеворига асос солинди. Бу даврда республикада пахтачиликнинг ривожлантирилиши фақатгина иқтисодий вазифа бўлиб қолмай, сиёсий ва мафкуравий аҳамият касб этарди. Қайд этиш керакки, Совет давлати ташкил топгандан бери ўтган давр мобайнида ишлаб чиқарувчи кучларни мамлакат бўйлаб жойлаштириш, уларни ривожлантириш масалалари янги бўз ерларни ўзлаштириш, ер ости қазилма бойликларни ишга солиш масалалари билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб борилди. Бироқ, шуни таъкидлаш муҳимки, бундай ўзлаштирилаётган ҳудудларнинг аксариятидаги иқлим, табиий географик шароитлари инсон ҳаёти, унинг яшаш шароити учун катта қийинчиликлар туғдирди.

Тарихий маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ пахтачиликни жадал ривожлантириш пойдеворига асос солинди. Бу даврда республикада пахтачиликнинг ривожлантирилиши фақатгина иқтисодий вазифа бўлиб қолмай, сиёсий ва мафкуравий аҳамият касб этарди. Қайд этиш керакки, Совет давлати ташкил топгандан бери ўтган давр мобайнида ишлаб чиқарувчи кучларни мамлакат бўйлаб жойлаштириш, уларни ривожлантириш масалалари янги бўз ерларни ўзлаштириш, ер ости қазилма бойликларни ишга солиш масалалари билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб борилди. Бироқ, шуни таъкидлаш муҳимки, бундай ўзлаштирилаётган ҳудудларнинг аксариятидаги иқлим, табиий географик шароитлари инсон ҳаёти, унинг яшаш шароити учун катта қийинчиликлар туғдирди.

Дарҳақиқат, ўлкада бўз ерларни ўзлаштириш, уларга сув чиқариш ишлари, гарчи

Туркистон Россия империяси томонидан забт этилганидан кейин бошланган бўлсада, бу ҳаракат улкан ишнинг дебочаси эди, холос. Чунки у вақтда бўз ерларнинг табиий-географик шарт-шароитлари ўзига хос хусусиятлари бобида етарли билим ҳам, маблағ ҳам, зарур машина ускуналар ҳам йўқ эди. Кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилишига қарамай, улардан биронтасини амалиётда қўллаш имконияти иложи йўқ эди. Фақатгина ҳозирги Ўзбекистоннинг эмас, балки Қозоғистон ва Тожикистоннинг ҳам маълум ҳудудларини ўз ичига олган Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ишлари Октябр тўнтаришидан сўнг амалга оширила бошланди.

Мирзачўл-Ўрта Осиёнинг марказий қисмида Зарафшон водийсининг шимолида, Нурота тоғларининг шарқий ва жанубий қисмида жойлашган бўлиб, Қизилқум саҳросининг шимоли-шарқий бўлаги ҳисобланади. Мирзачўл жанубда Туркистон тизмаси, жанубий ғарбда Нурота тоғлари, ғарбда Болатоғ, Писталитоғ, шимоли ғарбда Қизилқум чўли, шарқ ва шимолий шарқда Сирдарё билан чегараланган. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон вилояти ва Тожикистоннинг Зафаробод тумани ҳудудларини ўз ичига олади.

1918 йил май ойида Халқ Комиссарлар Советининг В.И.Ленин томонидан имзоланган декрети эълон қилинди. Унда Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратилиши ва бу ишларни ташкил қилишга қаратилган тадбирлар кўзда тутилган эди. Бу ҳужжатда Мирзачўл ва Далварзин даштларини ўзлаштириш ишларини олиб бориш ва шу мақсадда қурилиш ишларини ҳам йўлга қўйиш кўзланган эди. Хусусан, Хилково (Бекобод тумани) станциясида цемент заводини бунёд этиш мўлжалланганди. Мазкур завод 1926 йили қурилиб, ишга туширилди¹.

Бу борада бошланган чора-тадбирлар 1930 йилларнинг охирида давом эттирилиши жараёнида, воҳада янги 110 минг гектар ерни мелиоратив тадбирларсиз ўзлаштирилиши туфайли сизот сувлари кўтарилиб, шўрланган ерлар янада кўпайган эди.

1939, 1940, 1941, 1942 йилларда партов ерларни ўзлаштириш мақсадида шоли экиш суръати ошириб борилиб, уруш туфайли мелиорация ва ирригация ишлари тўхтаб қолди, оқибатда ер ботқоқланиб, ўтмишдаги даҳшатли воқеалар такрорланди. Ҳатто худди шу йилларда Совет давлати пахта етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида айрим халқларнинг пешонасига “сотқин”, “хоин” каби тамғаларни босиб, кўчирувчилик сиёсатини юритганди². Оқибатда корейслар, қрим татарлари, месхети турклари, шунингдек, уруш асирлари каби турли диаспоралар Мирзачўлга ўзлари учун мутлақо нотаниш бўлган ландшафтга кўчирилдилар.

1948 йилда Фарход ГЭСи ишга тушиши билан 1947-1948 йилларда қурилган Боёвут каналига сув очилди, Дўстлик каналининг суви кўпайди ва қўшимча 40 минг гектар ерни ўзлаштириш имкони туғилди. Собиқ Иттифоқнинг Мирзачўлни ўзлаштиришда маданийлаштирилган кўчириш сиёсатининг кўриниши бўлган “комсомол йўлланмаси” билан юбориш, меҳнат ресурслари билан узвий таъминлаш дастури шаклланди. Ушбу чора-тадбирлар давомида 1949 йилнинг январидан бир гуруҳ андижонлик ёшлар оиласи билан Мирзачўлда ишлаш ташаббуси билан чиқдилар.

¹ Аҳмедов.Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. Т.: Ўзбекистон, 1991. 62-б.

² Бадриддинов.С. Корейслар Ўзбекистонга қандай қилиб келиб қолган? / Тарихий хотира - маънавият асоси. Республика илмий-назарий анжуман материаллари. III-қисм. Бухоро, 2010. 25-27-бетлар.

Андижон ёшларининг ташаббусини Тошкент, Қашқадарё, Фарғона ва бошқа вилоятлар ёшлари ҳам қўллаб чиқдилар. Қайд этиш жоизки, маданийлаштирилган кўчириш сиёсати узлуксиз то XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига қадар давом этди ва маҳаллий аҳоли асосан пахтачиликка ихтисослашган хўжаликларга ўрнашди.

1950 йилларнинг ўрталаридан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари анча сусайди. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги кескин сезила бошлади. Ўзбекистон 1950 йиллари қаторасига беш йил давлатга пахта етказиб бериш давлат режасини бажармади. Аслида бошқа пахта етиштирувчи йирик давлатлар билан қиёслаганда Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлиги сезиларли даражада, масалан АҚШ га нисбатан 1,9 центнер, Миср ва Мексикага нисбатан 2,2 центнер, Покистонга нисбатан 4,5 центнер юқори эди. Лекин пахта етиштириш режасининг ортиб бориши мавжуд имкониятларни ҳисобга олмасди, пахта териш асосан меҳнаткашларнинг қўл меҳнати эвазига бажариларди.

Статистик маълумотларга қараганда, 1955 йили машина-трактор станцияларида (МТС) 15100 дона пахта териш машиналари, колхозларда 47900 та тракторлар мавжуд бўлиб, бу белгиланган режаларни бажариш учун жуда кам миқдорни ташкил қиларди. Марказ томонидан пахта ҳосилдорлигини ошириш масаласи бирламчи вазифа сифатида белгиланиши қатъий қарорларни қабул қилишга ундади. Шу муносабат билан 1956 йил 6 августда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг “Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди³.

Аслини олганда, 1956 йилга қадар Мирзачўлда 200 минг гектарга яқин ер ўзлаштирилган бўлиб, шундан 105 минг гектари Ўзбекистонга, 95 минг гектари Қозоғистонга қарашли эди. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Меҳнат резервлари Бош бошқармаси томонидан 1956-1962 йилларда қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртларини, хунар мактабларини ва меҳнат резервлари мактабларини тамомлаётган кишилардан Мирзачўлда янги ташкил қилинаётган совхозларга ва қурилиш ташкилотларга 24,4 минг механизаторни ва малакали бинокор ишчини юборилиши белгиланди.

Шу жумладан, Бошқарма томонидан 1956 йилда 4,4 минг кишини (шундан Ўзбекистон ССРга 3 минг кишини ва Қозоғистон ССР га 1,4 минг кишини) ҳамда 1957 йилда 5 минг кишини (шундан Ўзбекистон ССРга 3,3 минг кишини ва Қозоғистон ССРга 1,7 минг кишини) сафарбар этилиши маълум қилинди⁴. 1956 йилда Запорожье, Смоленск, Курган, Киев ва бошқа шаҳарларнинг ФЗО мактабларини 12 минг битирувчилари Мирзачўлда ишлаш ташаббускори бўлдилар. Русийзабон аҳоли асосан саноат ишлаб чиқаришига жалб этилди.

Ўша даврдаги матбуот саҳифаларининг бирида бу жараёнлар қуйидагича тасвирланган эди: “Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Мурожаатини Фарғона вилояти аҳолиси қизғин кутиб олди. Қисқа вақт ичида вилоятдаги 300 дан

³ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. Масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р., Рахимов М., Ражабов Қ. Т.: Ўзбекистон, 2019. 131-б.

⁴ Қалимбетов Ж., Жақилов Д. Мирзачўлни ўзлаштиришда Ўзбекистон ёшларининг иштироки. Т.: Ўзбекистон, 1958. 23-б.

ортиқ ёшлар Мирзачўлга юборишни сўраб вилоят комсомол комитетига ариза бердилар”

Ҳақиқатдан ҳам бир гуруҳ ёшлар янги ерларнинг ўзлаштирилиши, бу ҳудудларда ташкил этилаётган совхозлар, янги қурилиш объектларига эришилаётган ютуқнинг намунаси, янги ҳаёт қуришнинг бир имконияти сифатида ҳам қараган эди. Шу муносабат билан улар ўзлаштирилаётган ерларга кўчиб келиш истагини билдиришган.

XX асрнинг 50 йиллари охиригача янги ерларни ўзлаштиришда академик Т.Д.Лисенко, профессор В.А.Шаумян каби антидренаж назариясини ёқловчиларнинг ғоялари устувор бўлиб, мелиорация қурилиши иккинчи даражали ҳисобланган, лойиҳалардан мелиоратив қурилишлар чиқариб ташланган.

Маълумотларда таъкидланишича, 1956 йилнинг ўзидаёқ Самарқанд ва Жиззах вилоятларидан Мирзачўлга 10 минг киши кўчириб келтирилган. Бу жараёнда аҳолига 18 минг квадрат уй-жойни қуриб битказиш режалаштирилган эди. Лекин амалда шундан 1,7 минг квадрат метри қуриб битказилди, холос. Бунинг сабаби министрлик 1956 йилнинг ўзида Мирзачўл учун “Особголодностепстрой”га 200 та йиғма ёғоч уйлар сотиб олиш учун ажратилган маблағни бошқа эҳтиёжларга сарфлаган эди. Мирзачўлдаги аҳолига уй-жой қурилишининг бунчалик орқада қолишига юқори турувчи ташкилотлар, хусусан, СССР шаҳар ва қишлоқ қурилишлари министрлиги ҳам эътибор бермаган. Министрлик ҳузуридаги “Особголодностепстрой” ташкилоти ҳам томонидан “партия чақирғи” билан кўчиб келаётган аҳолига палаткалар, ертўлалар, кўрпа-тўшак, кроват ва бошқа жиҳозлар етарли даражада етказиб берилмади.

1950 йилларнинг ўрталарига келиб, Мирзачўлнинг эски сув чиқарилган ҳудудининг шимоли-ғарбий қисмида аҳоли ўтроқлашиб, бу жойлар ўзлаштирилди. 1960 йилнинг 25 декабрида Жанубий Мирзачўл каналига сув очилиши билан ўзлаштиришда янги давр бошланди. Мирзачўлни ўзлаштирилишининг янги принципларига кўра инсон омили учун комплекс тадбирлар қамраб олинди. Хусусан, суғориш, коллектор-дренаж тармоқлари, гидроиншоотлар қуриш, йўл, энергия таъминоти, ичимлик суви, газлаштириш, ихотазорларга яхши уйлар, маиший хизмат кўрсатиш, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш объектлари қуришга эътибор берилди. Мирзачўлдаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштираётган колхоз ва совхозларга ўз оилалари билан кўчиб бориш тўғрисида колхозчилар ва бошқа кишилардан кўплаб ариза тушаётганлиги муносабати билан уларга кўчиб бориш ва янги истиқомат жойида жойлашиш учун ёрдам кўрсатиш тадбирлари белгиланди.

Хусусан, “Бошқа вилоятлардан кўчиб келишни ҳоҳловчилар учун жойни танлаш имконияти берилди. Шунингдек, кўчиб бориладиган жойга уларнинг моддий ашёларини бепул етказиб бериш, оила бошлиғига 600 сўм ва оиланинг ҳар бир аъзосига 200 сўмдан бир йўла ёрдам пули, уй қуриб олиш учун 19 минг сўм қарз берилди. Бу қарзнинг 35 фоизини давлат ўз зиммасига олди, қолган қисмини эса кўчиб боровчи 10 йил мобайнида тўлаши қонуний жиҳатдан белгилаб қўйилди. Бундан ташқари қорамолсиз хўжаликларга сигир ёки бузоқ сотиб олиш учун 1500 сўмгача қарз берилди, оила бошлиғига 1,5 центнердан ва оиланинг ҳар бир аъзосига 0,5 центнердан дон тарқатилди. Бу донни берилган кундан бошлаб 3 йил давомида узиши кераклиги кўрсатилди. Кўчиб боровчилар 4 йилгача қишлоқ хўжалиги солиғи ва давлат мажбуриятидан озод қилиндилар”.

Бундай имкониятларни яратиб беришдан кўзланган мақсад аҳолини шу ҳудудларга кўпроқ жалб қилиш ва жойлаштириш эди. Қайд этиш керакки, ҳукумат томонидан эълон қилинган ҳамма енгилликлар амалда тўлиқлигича бажарилмади, берилган имкониятларнинг бир қисми қоғозга қолиб кетиб, янги ерлар кўчиб келган аҳолининг маиший турмушида қатор қийинчиликлар кузатилди. 1963 йил 24 январ куни Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг “Умумдавлат манфаатларини назарда тутиб, Жануби Қозоғистон ҳудудининг бир қисмини Ўзбекистон ССРга ўтказиш тўғрисида” ги фармони эълон қилинди. 1963 йил 26 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети президуми ўша ҳудудни Ўзбекистон ССРга кўшди. Натижада 1963 йил 16 февралда Мирзачўлнинг қўриқ ерларини ўзлаштириш асосида Сирдарё вилояти ташкил этилди.

Сирдарё вилояти Ўзбекистон марказининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, шимолда Қозоғистон Республикаси, шимоли-шарқда Тошкент вилояти, жанубий-шарқда Тожикистон Республикаси, ғарбда Жиззах вилояти билан чегарадош ҳудуддир. Сирдарё вилояти таркибига Қозоғистоннинг Киров, Пахтаарал (ҳозирги Махтаарал) туманлари, Тошкент вилоятининг Гулистон, Сирдарё, Янгиер туманлари, Самарқанд вилоятидан Жиззах туманлари берилди⁵.

Сирдарё вилояти ташкил қилинган, унинг маркази сифатида Янгиер шаҳри белгиланди. Таъкидлаш жоизки, бу даврда янги ерларни ўзлаштиришда бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Тарихан олиб қараганда, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш туфайли 1957 йили Янгиер шаҳри вужудга келган эди. Янгиер шаҳрида лотоклар ишлаб чиқарадиган завод қурилди. Шаҳар аҳолиси дастлаб 25 минг кишига, кейинчалик 50-60 минг кишига етди.. Янгиерга келган аҳолини сув билан таъминлаш учун ўнлаб парма қудуқлар қазилиб, фойдаланишга топширилди. 1957 йили Ўзбекистон Коммунистик Партия Марказий Комитетининг “Мирзачўлнинг Сардоба ва Боёвут массивларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора тадбирлари” тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Қарорда Боёвут ва Сардоба массивидаги ерларнинг ҳолати ёмонлашгани алоҳидатаъкидланиб, бундай ҳолатларни олдини олиш чора-тадбирлари белгилаб берилганди. Мазкур қарор асосида Еттисой колллектори таъмирланди. “Дўстлик” ,”Фарҳод” совхозларига янги насос ва дренажлар қурилиши бошланди. Коллектор дренаж тизимларининг қайта қурилиши ва такомиллашуви натижасида Мирзачўлда суғориладиган ерлар ҳолати анча яхшиланди⁶.

Хулоса қилиб айтганда янги ерларни ўзлаштириш, ерларни хўжалик оборотига киритишда анчагина муаммолар тўпланиб қолган эди. Афсуски ўша пайтларда бу муаммоларга жиддий эътибор берилмади. Ваҳоланки, ўша даврдаги вазият маълум бўлиб, ундан керакли хулосаларни чиқариш мумкин эди.

Аммо 70-йилларда шаклланиб бўлган маъмурий-буйруқбозлик тизими, хўжаликни юритишдаги кўр-кўрона, ноиқтисодий омиллар янги ерларни ўзлаштириш ишининг самарадорлигини пасайтирди, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга салбий таъсир кўрсатди. 70- йилларнинг иккинчи ярмида ҳам бу жараён давом этди. Меҳнат

⁵ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент, 2003. .643-б.

⁶ Аширбоева.З.К. XIX аср охири-XX аср ўрталарида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши. Тарих фан. номзоди дис... Тошкент, 2008. 95-б.

унумдорлигини ошириш ўрнига, кўп маблағ сарф қилиб маҳсулот олиш давом этди.
Шунинг учун ҳам, суғориладиган ерлар миқдори тобора ошиб борди .



INNOVATIVE
ACADEMY